

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017/2018 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига Ўқишга қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 23 июндаги ПҚ-2360-сон қарорига мувофиқ ва янги қурилатган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш борасидаги инвестиция лойиҳаларини жорий қилиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш омилларини таҳлил қилиш натижалари асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва иш берувчиларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларига талаби баланс ҳисоб-китоб параметрлари ишлаб чиқилди; аниқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича тайёргарликка эга бўлган олий таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан истикболга мўлжалланган талаб-эҳтиёж, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги маълумотлари асосида 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота:

бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 18194 та ва тўлов-контракт асосида – 48122 та 1-иловага мувофиқ;
магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 1556 та ва тўлов-контракт асосида – 3444 та 2-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида – 100 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 та ва тўлов-контракт асосида – 85 та, Навоий давлат кончилиги

институтда тўлов-контракт асосида – 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтда тўлов-контракт асосида – 80 нафар бакалаврларни тайёрлаш 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига талаб катта бўлган ҳудудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш бўйича таклифи 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратураси қабул параметрларига ўзгаришлар киритиш; янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгаришлар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш.

5. 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулдан амалга ошириш учун квота миқдори таълим муассасаларининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланади;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференцияланган тартибда белгиланади;

тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган баллига мувофиқ (68 баллдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Давоми 2-бетда. ➡



Хотира ва қадр... Нақадар залворли, муқаддас сўзлар. Унинг замирида ўтганлар ёди, атрофдагиларнинг бир-бирига эътибори мужассам. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, инсонларни тирик-лигида эъзозлаш каби ҳислатлар чинакам одабийлик белгисидир.

ОДАМИЙЛИКНИНГ ЮКСАК МЕЗОНИ

Аждодлар хотирасини ёд этиш, инсон қадри ва манфаатларини улуғлаш, юртимиз тинчлиги ва равангига йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу ва олижаноб фазилатларининг яққол тимсоли, дейиш мумкин.

Юртимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни кенг миқёсда нишонланиши ҳам инсон қадри азиз юрtdа Ватан тақдир, унинг тинчлиги учун жон берган, фидойилик кўрсатган номлар ҳеч қачон унутилмаслигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 ап-

релдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида фидойилик кўрсатган ватандошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Мазкур сана муносабати билан вилоятимизнинг Олмалиқ шаҳридаги Хотира майдоғида бўлиб ўтган асосий байрам танталарида Иккинчи жаҳон уру-

ши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, депутатлар, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими Шуқрулло Бобоев ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юрtdошларимиз хотирасига таъзим баҳо келтирди.

Давоми 2-бетда. ➡

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИНГИЗ ИБРАТ МАКТАБИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Мўмин ота Ҳайитқулов уйига келган уч-тўрт меҳмонни дарвоза олдида ўзи қутиб олди.

Йўқлаб келувчилар мезбоннинг қистови билан ҳам ичкарига қирмади. Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилаётган байрам тадбирига тақлиф этгани келганларини айтишди.

Бир-бир ярим соатдан кейин ўзимиз машинада олиб кетамиз, – деди меҳмон йигитлардан

бири. – Уйин-кулгу, байрам тадбир сизлар билан бошқача – фойзли ўтади-да, ота...

Бўлди, қолган гапни ўша ерда гаплашамиз, – деди Мўмин ота йигитнинг сўзини бўлиб. – Овора бўлиб юрманглр, не-вара-ю чеваралар билан ўзимиз борамиз. Худого шуқр, мендаям машина бор. Мана, янги "Damas"! Ҳали ўриндиқларининг ғилофи ҳам ечилмаган. Ўрни келганида бир мақтаниб қўйи, яқинда ҳокимиятдан вакиллар келиб,

Президентимиз номидан

2 миллион сўм пул мукофоти ва мана шу машинани навбатсиз сотиб олиш учун сертификат бериб кетишди...

Оҳангарон туманидаги маданият ва истироҳат боғида "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик" шiori остида ташкил этилган байрам тадбири ташкилотчиларининг самими бу ҳикоясини тинглр эканмиз, отахон билан ўзимизнинг ҳам учрашиб, сўхбатлашгимиз келди.

Давоми 2-бетда. ➡

Кичик

Бизнес

Юртимизда ўз бизнесини йўлга қўйиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ корхонаси:

ИСТИҚБОЛДА РЕЖАЛАР КАТТА

Тадбиркорларга зарур шaroитлар яратиб, имтиёз ва преференциялар берилаётгани уларнинг янада эмин-эркин ва самарали фаолият қилишида муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни том маънода янги босқичга қўтарди.

Қуйи Чирчиқ туманида ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз бизнесини ташкил этаётган ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон тадбиркорлар кўп.

Давоми 2-бетда. ➡



Вилоят бўйлаб Халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани Кенгазининг сессияси

Халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани кенгазининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Иброҳим Ҳасанов ишда йўл қўйган хато ва камчиликларини учун туман ҳокими лавозимидан озод этилди.

Сессияда Бахтиёр Султонов туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов иштирок этди.

Чиноз туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ишчи гуруҳ аъзоларининг аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал қилиш, турли мазмундаги мурожаатларни қондириш, фуқаролар турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан талаб ва тақлифларни ўрганиш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Ишчи гуруҳ ўз фаолияти давомида асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва интеллектуал даражасини ўрганиш, оилалар даромадини ошириш, касб-хўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш каби масалаларга қаратмоқда.

Бугунги кунда тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари бошчилигида 10 та ишчи гуруҳ ва 54 та маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати гуруҳлари иш олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида улар томонидан фуқаролардан келиб тушган 6 минг 32 та ариза ва мурожаатнинг

2 минг 88 таси ўрганилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди. Қолган мурожаатлар бўйича ҳам тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Йиғилиш давомида вилоят ишчи гуруҳи томонидан бу борада "Афғон", "Янги маҳалла", "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Чиноз агросаноат, хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт ҳамда Олмасор қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежлари, шунингдек, 5-, 26-, 42-умумтаълим мактабларида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – БАРЧАНING ИШИ

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан коррупцияга қарши курашиш масаласига бағишланган анжуман ўтказилди.

Маълумки, жорий йилдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қучга кирди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-

гиясида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Тадбирда мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти, Коррупцияга қарши курашиш комиссиясининг фаолият йўналишлари ва асосий вазифалари, ОАВда шу мазмунни ёритиш бўйича маърузалар тингланди.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда жорий дастурларни ёритиш лойиҳаси иштирокчилари мукофотланди. Улар орасида вилоятимизда фаолият юритаётган Ўрта Чирчиқ туманидаги "Машъал" газетаси тахририяти ҳам бор.

ЯХШИ ФОЯ БЕИЗ ҚОЛМАЙДИ

"Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими томонидан Бўқа туманидаги коллеж битирувчилари учун "Ёшларни, энг аввало, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, аynиқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шaroитлар яратиш" давлат гранти доирасида навбатдаги амалий семинар ўтказилди. Унда "Агробанк"нинг туман бўлими ва савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этишди.

Авалло, тадбиркорлик билан шуғулланишни дилига туккан ёшларимизнинг қўли-гандан хурсандмиз, – дейди "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими раиси Малика Қодирхонова. – Ўзимнинг шу соҳага кириб келишим, илк қадамларимдаёқ дуч кел-

ган қийинчиликлар ёдимга тушди. Биз фаолият бошлаш кезларда ҳозиргидек имконият ва имтиёзлар йўқ эди. Тадбирда коллеж битирувчилари бизнесни ташкил этиш ва юритиш, бизнес режа тузиш тартиби, ҳусусий мулк шакллари, низоом жам-

ган қийинчиликлар ёдимга тушди. Биз фаолият бошлаш кезларда ҳозиргидек имконият ва имтиёзлар йўқ эди. Тадбирда коллеж битирувчилари бизнесни ташкил этиш ва юритиш, бизнес режа тузиш тартиби, ҳусусий мулк шакллари, низоом жам-

Хуришда МўМИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017/2018 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг
Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида

6. Тасарруфиди олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда икки ҳафта мuddатда тасарруфидидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда белгиланган тартибда:

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

бир ой мuddатда янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

◀ Бошланғич 1-бетда.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Кадрларни мақсадли тайёрлаш буюртмачилари – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун муносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида" 2016 йил 26 майдаги ПҚ-2534-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфидида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази:

бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017/2018 ўқув йилида
Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга
қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари йўналишига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишнинг яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача мuddатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан ҳамда мамлакатимизда янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашнинг инвестициявий лойиҳалари, йўл-транспорт ҳамда коммуникация инфрату-

зилмаси таҳлилига мувофиқ, 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул бўйича умумий квота бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 18194 та ва тўлов-контракт асосида 48122 та, магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 1556 та ва тўлов-контракт асосида 3444 та этиб белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда махсус сиртки бўлим негизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишни таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида 100 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 15 та ва тўлов-контракт асосида 85 та, Навоий давлат кончилиги институтидида тўлов-контракт асосида 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтидида тўлов-контракт асосида 80 нафар бакалаврни тайёрлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар учун Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг мақсадли қабил квоталари тасдиқланди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш

бўйича Давлат комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди ва унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўлимлари қабул параметрларига ўзгартишлар киритиш;

янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгартишлар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжларни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш.

Шунингдек, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилмоқда. Бундан:

олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш учун квота миқдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланиши;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган

ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференцияланган тартибда белгиланиши;

тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган баллига мувофиқ (68 баллдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кадрларни мақсадли тайёрлашнинг асосий буюртмачилари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идораларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун муносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юкланган.

Қисқача айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг стратегия ривожланишининг бешта устувор йўналиши доирасида олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга оширишга замин яратади.

Ўз фаолиятини 2016 йилнинг август ойида бошлаган "Asrar Megateх" хусусий корхонаси қисқа фурсатда импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган тикувчилик тармоқларидан бирига айланди. Замонавий ва юқори сифатли маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорда аллақачон ўз ўрнини топиб улгурган ушбу корхонада 35 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланган.

Уларнинг асосий қисмини ҳудуддаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади.

– Ҳозирда корхонамизда 22 та тикув дастгоҳи ўрнатилган. Улар ёрдамида болалар ва ёшмирлар учун кунига 25 турдаги 2 мингдан ортиқ кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаётган, – дейди корхона иш бошқарувчиси Сардор Саидов. – Юз фоиз пахта ва ипак матодан замонавий дизайн асосида тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг сифати хорижийликдан асло қолишмайди. Шу боис, биз билан ҳамкорлик қилиш истаги бўлган савдо марказлари, кийим-кечак дўконларидан буюртмалар кўпаймоқда. Ҳозир тайёр маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш билан бирга Россияга экспорт қилаёмиз. Маҳсулотларимизни бошқа қўшни давлатларга сотиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилаётган.

Дарҳақиқат, истиқболдаги режалар катта. Корхонага яқин кунларда етакчи хорижий компаниялардан харид қилинган яна 47 та замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошиб, тури кенгайди. Албатта, бу ишлар бозор, буюртмачи ва истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилламоқда. Шунинг ҳисобидан қўшимча 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу доимий иш жойларини маҳаллий хотин-қизлар ва коллеж битирувчилари эгаллайди.

– Туманимиздаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежини тикувчилик мутахассислиги бўйича тамомлаш, корхонага ишга жойлашди, – дейди Ойгул Рискулова. – Қиз болага

зорга етказиб бериш билан бирга Россияга экспорт қилаёмиз. Маҳсулотларимизни бошқа қўшни давлатларга сотиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилаётган.

Дарҳақиқат, истиқболдаги режалар катта.

Қишлоқ корхонаси:

ИСТИҚБОЛДА
РЕЖАЛАР КАТТА

даги режалар катта. Корхонага яқин кунларда етакчи хорижий компаниялардан харид қилинган яна 47 та замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошиб, тури кенгайди. Албатта, бу ишлар бозор, буюртмачи ва истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилламоқда. Шунинг ҳисобидан қўшимча 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу доимий иш жойларини маҳаллий хотин-қизлар ва коллеж битирувчилари эгаллайди.

– Туманимиздаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежини тикувчилик мутахассислиги бўйича тамомлаш, корхонага ишга жойлашди, – дейди Ойгул Рискулова. – Қиз болага

тикувчилик касби ҳаётда доимо асқотади. Шу даргоҳда дугоналарим билан иш ўрганиб, ўқув жараёнида олган билимларимизни амалиётга таъбиқ этиб, истеъмол бозорига арзон ва сифатли кийим-кечак маҳсулотлари етказиб беришга ҳисса қўшиб келаётганимиздан жуда хурсандимиз.

Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишар экансиз, замонавий техника ва тикув машиналарини маҳорат билан босқараётган шижоатга бўла ёшларни кўриб, фахр-ифтихор ҳиссини туйасиз.

Ҳа, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақ топиб, тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши асосида ёшларнинг ҳаётга янгича фикр, янгича ёндашув билан қарашида муҳим омил бўлмоқда.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя

Фалокат оёқ остида дейишди. Яқинда қишлоқлик Фазлиддин Абдуллаевнинг автомобил йўл-транспорт ҳодисасига учради. Иш судга олиниб, воқеа унинг айби билан содир бўлгани аниқланди. Шу вақтда Фазлиддин ўз машинасини "Ўзгросуғурта" акциядорлик жамияти Тошкент вилояти филиали орқали суғурта қилдиргани фойда берди. Жабрланувчи томонга салкам 3 миллион сўм суғурта товони тўлаб берилди.

СУГУРТА КНИ ФОЙДА(МИ?)

Ташкилотнинг вилоят филиали суғурта бозорига муносиб ўрнига эга. Виллоятнинг 14 та туманида бўлиналари. Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ ва Тошкент шаҳрида юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этилган. Уларда 142 нафар суғурта ходими ва 260 нафар агент ишламоқда. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолисига сифатли суғурта хизматлари кўрсатиш ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида 95 та ҳудудий ваколатхона фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш бораида ўтган йили 91 миң 87 та суғурта шартномаси тузилиб, 422 та ҳолат бўйича жабрланувчиларнинг кўрган зарарларини қоплаш ҳамда олган тан жароҳатлари

учун 945 миллион сўм миқдоридagi суғурта товонлари тўланди. Жами 1 миң 398 та ҳолат бўйича аҳолининг кўрган зарарлари 1 миллиард 257 миллион сўм суғурта йўли билан қопланди.

– Эркин рақобат учун шароит яратиш иқтисодиёт ва суғурта хизматлари бозорининг ҳам асосий талабларидан биридир, – дейди жамиятнинг вилоят филиали раҳбари ўринбосари Илхом Қодиоров. – Суғурта хизматининг хар бир бўлажақ истеъмолчиси муайян суғурта полисига эга бўлиш, қайси суғурта компанияси хизматидан фойдаланишни ўзи хал қилади. Шунинг учун ҳам илгари тақдир этилган чекланган миқдордаги стандарт хизматлар ўрнига хилма-хил суғурта турларини тақдир этилган. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш шакли ва усуллари тақдир этилган. Шунинг билан суғурта полисига алоҳида эътибор берамиз.

Хурида НАЗАРОВА.

Дикқат, танлов!

«ЙИЛНИНГ
ЭНГ ФАОЛ
ЖУРНАЛИСТИ»танловига
марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига қатнашишга таклиф этади. Танловга 2016 йилнинг 1 июнидан 2017 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказилаётган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар
"Йилнинг энг
фаол журналисти"
танловига
деб кўрсатилган
ҳолда қуйидаги
манзилга юборилиши лозим:

100129,
Тошкент
шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмаси
Телефонлар:
244-64-61,
244-37-87,
www.journalist.uz

ОДАМИЙЛИКНИНГ
ЮКСАК МЕЗОНИ

– Айтганча, энди қайси санаторияга боришни режа қилаёсиз, отахон?

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва ташкилотлар, турли жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

– Бугунги дорилармон кунлар учун ҳар қанча шукрона айтсак арзийди, – дейди Паркент тумани Номданақ қишлоғида яшовчи 93 ёшли Анорбой

бобо Жалилов. – Уруш даҳшатлари, унинг фожияли оқибатлари ҳақида назираю, эвараларимга, ёшларга сўзлаш асосида дюртимиздаги тинчликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини уқтираман. Бу каби тадбирлар, юртидан кадр топган мен каби кексаларнинг белига ҳам, дилига ҳам қувват бўлади.

Ҳозирги кунда вилояти-

тиради, – дейди бўстонлик 92 ёшли Абдурахим бобо Зиятов. – Президентимиз томонидан саломат-лигимизни мустаҳкамлаш, турмушимизни янада фаровонлаштиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрликлар бизга куч-қувват бағишлайди. Шундай пайтларда яна йигитлик чоғларимга қайтиб, Ватаним, юртим учун хизмат қилгим келади. Зеро, бугун мамлакатимизда ёшларга яра-

мизда 194 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 3 миң 400 нафардан зиёд меҳнат фронти фахрийлари ва эъзоз эҳтиромда умргузаронлик қилишмоқда.

– Бундай тадбирлар кўнглимда яшаган бўлган иштиёқни янада кучай-тилади, – дейди бўстонлик 92 ёшли Абдурахим бобо Зиятов. – Президентимиз томонидан саломат-лигимизни мустаҳкамлаш, турмушимизни янада фаровонлаштиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрликлар бизга куч-қувват бағишлайди. Шундай пайтларда яна йигитлик чоғларимга қайтиб, Ватаним, юртим учун хизмат қилгим келади. Зеро, бугун мамлакатимизда ёшларга яра-

мизда 194 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 3 миң 400 нафардан зиёд меҳнат фронти фахрийлари ва эъзоз эҳтиромда умргузаронлик қилишмоқда.

– Бундай тадбирлар кўнглимда яшаган бўлган иштиёқни янада кучай-тилади, – дейди бўстонлик 92 ёшли Абдурахим бобо Зиятов. – Президентимиз томонидан саломат-лигимизни мустаҳкамлаш, турмушимизни янада фаровонлаштиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрликлар бизга куч-қувват бағишлайди. Шундай пайтларда яна йигитлик чоғларимга қайтиб, Ватаним, юртим учун хизмат қилгим келади. Зеро, бугун мамлакатимизда ёшларга яра-

мизда 194 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 3 миң 400 нафардан зиёд меҳнат фронти фахрийлари ва эъзоз эҳтиромда умргузаронлик қилишмоқда.

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИНГИЗ
ИБРАТ МАКТАБИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган тадбирда партия марказий ва вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этиди.

Жамиятимизда тинчлик-осойишталикни, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийларининг ҳаётий тажрибаси катта ибрат мактаби экани, уларга эҳтиром кўрсатиш, ўғитларига амал қилиш лозимлиги таъкидлан-

ди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлар кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўқатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди ҳам уруш қатнашчилари кўнглини олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар муассасам.

– Президентимиз томонидан ёши улуг инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган доимий эътибор бизга куч-қувват бағишлайди, – дейди Оҳангарон тумани, Тут қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мўмин ота Ҳайиткулов. – Бугунги байрам тадбирида ёш-

лар билан бир дастурхон атрофида қизгин суҳбат қилиб, кайфиятими янада кўтарилди. Уйим меҳмонга тўлганда, мана шундай давраларга кирганимда етти-си кам 100 ёшда эканимни ҳам нутаман. Йигитлик шижоатим қайтгандай бўлади. Оти курсин, уруш йилларини эслагим ҳам келмайди. Ёшларга мана шундай нурафшон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлигини уқтираман. Осмонимиз мусалфоллиги, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганлар омон бўлсин, деб дуо қиламан.

Тадбирда Ватан, тинчлик, жасорат ва дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Футбол ва кураш бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида бўлиб ўтган хотира турнири иштирокчиларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

И. АББАЛБОВ,
ЎЗА муҳбири.

◀ Бошланғич 1-бетда.

◀ Бошланғич 1-бетда.

АНГРЕНДАН ЧИҚАЁТГАН МАҲСУЛОТГА ЖАҲОНДА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Электр қувватига эҳтиёж сезмайдиган соҳа бўлмас керак. У оддий фуқаронинг кундалик ҳаётидан тортиб, халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқлари учун сув билан ҳаводек зарур. Шу боис, арзон электр қуввати ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан қўлайтириш, гидро ва иссиқлик электр станциялари қувватини янада ошириш имконини берувчи замонавий технологияларни самарали қўллаш давр талабидир. Ангрен эркин иқтисодий зонасида фаолият бошлаган "Арматура-изоляциятор заводи" масъулияти чекланган жамияти айнан шу мақсадлар рўйига ҳисса қўлиши учун мунтазам изланишда.

Маҳаллийлаштириш

Россияда ҳам ўз офислари-га эга бўлган мазкур Ўзбекистон - Россия - Хитой қўшма корхонаси мамлакатимизда юқори вольтли электр асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётган корхоналар сафидан ўрин эгаллаган. Қўшма корхона бугунги кунда республикада ва Россиядаги қатор конструкторлик бюрolari филиаллари, шунингдек, бошқа етакчи корхоналарнинг мутахассислари билан Ўзбекистонда юқори вольтли линиялар барпо этиш таъминловини яратиш масаласида яқиндан ҳамкорлик қилимоқда. Тебранишни барта-раф этувчи, шинали тиргак каби янги маҳсулот турлари-

ни яратиш устида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борила-япти. Полимер, шиша изолятор (чиганок)лар ва арматуралар тайёрлашда энг янги техноло-гияларни қўллаб, юксак сама-радорликка эришилмоқда. Ўзгарувчан ва узлуксиз ишлаб чиқаришни қўшиб олиб бо-риш корхонага миқозларнинг ҳар қандай буюртмаларини воситачиларсиз бемалол ба-жариш имконини берапти. Изчил йўлга қўйилган тажри-ба-конструкторлик ишлари, мамлакатда ва бутун жаҳонда электр тармоқлари ривожла-нишининг мунтазам монито-

ринги натижасида, корхона халқаро бозорда рақобатбар-дошлиikka эришмоқда. Шу-нингдек, қўшма корхонанинг ўз лабораториясига эгаллиги ва бу ерда Ўзбекистоннинг энг йирик синов марказлари билан ҳамкорлик қилинаётган-ни тайёрланаётган маҳсулот-ларнинг юқори сифатли бўли-шини таъминламоқда. Масъулияти чекланган жа-мият қисқа даврда 38 турдаги электр линиялари тиркама-арматура ва изоляторларини ишлаб чиқаришни ўзлашти-риш. Мазкур маҳсулотлар арзон ҳамда юқори сифатли бўлган-ни боис нафақат мамлакатим-из, балки чет эл корхона ва

фирмаларида ҳам уларга та-лаб катта.

Давлатимиз юқори техно-логияли ишлаб чиқариш тизи-мини жадал ривожлантириш ва бу соҳада хорижий ҳамкорлар билан алоқани янада кенгайти-риш учун қўлай имкониятлар яратиб бермоқда. - дейди қўшма корхона раҳбари Камо-лиддин Мирхоников. - Бундай эътиборга амалий жавоб бе-риш учун импорт ўрнини боса-диган ва экспортбоп маҳсулот-лар ишлаб чиқаришни жадал ўзлаштириб бориш муҳим ус-тувор вазирамиздир. Мақсади-

миз - янги-янги маҳсулот тур-ларини тайёрлашни ўзлашти-риш, энг замонавий техноло-гияларни жорий этиш орқали бу соҳада етакчилик макенини қўлга киритишдан иборат. Бугун "Арматура-изоляциятор заводи"да 42 киши муҳим иш жойи билан таъминланган. Улар орасида коллежни би-тирган ёшлар ҳам оз эмас. Қўшма корхона раҳбарияти шу йилнинг охиригача иш ўрин-ларини 80 тага етказишни ре-жалаштирмоқда.

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЁШЛАР ҲУЗУРИДА МУЛОҚОТ

Тадбирда сўзга чиққан-лар жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъ-минлаш бўйича фикр-му-лоҳазаларини билдириш-ди.

Ешларимизни билиб-билмай жиноят қўчасига

кириб қолишига ҳеч би-римиз бефарқ бўлмасли-гимиз керак, - деди кол-леж раҳбари М. Фозило-ва. - Биргина ўқувчи жи-ноятга қўл урса бу унинг оиласи, яшаётган маҳал-ласи, таълим олаётган даргоҳига доғ бўлиб ту-шади. Шундай экан, таъ-

лим ва тарбия жараёни-ни кучайтириш, ёшлар-нинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш за-рур. Бугунгидай тадбир-лар эса уларни огоҳлик-ка чақиради.

Н. НОРМИРЗАЕВА,
коллекж директори
ўринбосари.

БИР ДАРЧАДА ЎН ХИЗМАТ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ягона дарча" мар-кази томонидан тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги хизматлар кўрсатишмоқда. Марказ бар-ча ҳуқуқий маълумот ва қўлланмалар, ахборот-коммуникация технологиялари билан таъмин-ланган. Тадбиркорларга марказнинг олий маъ-лумотли, тажрибали мутахассислари ҳуқуқий мас-лахатлар, давлат хизматларини кўрсатиш тар-тиби ва мuddатлари тўғрисида зарур маълумот-ларни бериб беришмоқда.

Қулайлик

Ўтган қисқа мuddат-да марказ томонидан 1290 та тадбиркорлик субъекти, жумладан, 384 та юридик шахс, 805 та якка тартибдаги тад-биркор, 21 та юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон ҳўжали-ги рўйхатдан ўтказилди, 166 та юридик шахс ишини қайта йўлга қўйди. Ўтган давр мо-байнида "Ягона дарча" марказига келиб тушган 537 та муурожаат ана-шу таъминот асосида қўрил-ди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъект-ларига давлат хизматла-рини кўрсатиш ме-ханизмларини тақомил-лаштиришга доир қў-шимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан туман ва шаҳар ҳўқимликлари ҳузурида-ги "Ягона дарча" мар-казларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги тасарруфига ўтказилиши тизимдаги хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳа-миятга эга бўлди. Хусу-сан, ушбу ҳўжжат "Яго-на дарча" марказлари-ни янада самарали бош-қариш, уларнинг фаоли-яти ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқ-лаштиришда тизимли ёндашувни таъминлаш имконини бермоқда.

Ушбу Қарор ижроси асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дасту-рида барча турдаги рўй-хатга олиш ва рухсат бериш тартиб-қоидала-рини янада соддалаш-тириш, турли электрон давлат хизматларидан фойдаланишни кенгай-тириш масалалари қўз-да тутилган бўлиб, бу борадаги турли тўсиқ-ларни бартараф этиш, очиклигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда туман "Ягона дарча" маркази томонидан тадбиркор-лик субъектларининг гу-воҳномалари, таъсис қўжатлари ва уларга киритилган ўзгартириш-лар бўйича 1581 та юри-дик шахс ҳамда 981 та якка тартибдаги тад-биркорнинг ҳўжатлари тўлиқ электрон қўри-нишда шакллантирилди. Бу эса, уларнинг мууро-жаатларини тезкор ра-вишда қўриб чиқиш, юзага келган муаммо-ларни ҳал қилиб бериш-да қўлайлик яратади.

Хўнарамдочлик фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан "Ягона дарча" марказига муурожаат қўл-дим, - дейди ёш тадбир-кор Аббос Исоқов. - Айни пайтда чарм маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаяпман. Бугунги кунда катталар ва болалар учун табиий те-ридан 30 турдаги оёқ кийимлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Келгусида фаолиятимни янада кен-гайтириб, ҳудудимизда-ги касб-хўнара коллежла-ри битирувчиларини до-имий иш билан таъмин-лашни мақсад қилганмиз.

Ўз мухбиримиз.

Бизга ёзадилар

Янгийўл технология иқтисодиёт касб-хўнара коллежиди бўлиб ўтган даврда суҳбатиди жи-ноят ишлари бўйича Янгийўл тумани суди раиси Б. Тошпўлатов, коллеж жамоаси, ўқи-тувчи ва ўқувчилар иш-тирок этишди.

МИЛЛИЙ БОҒНИНГ МАНГУ ЛАТОФАТИ

Баҳор фаслида кўркам далаларга чиқиб, ям-яшил тусга кирган қир-адирлар, бепоён ўрмонзорларда сайр қилиш кишига ўзгача завқ-шавқ улашади, руҳи-ятни кўтаради. Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон ту-манлари бўйлаб 574,6 минг гектар майдонни эгалла-ган Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи кенгли-ларида бўлиб, бунини янада теран ҳис қилдик.

Водийларни яёв кезганда...

Ушбу боғ ҳудудида таби-ати асраш, унга етказила-ётган салбий таъсирларни камайтириш, ёнғоқзор ва ўрмонзорларни кенгайти-риш, ноёб ўсимлик ва ҳай-вонот турларини муҳофа-за қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Боғнинг ўзига хос иқлими, тоғлари, адирлик ва ўрмон-зорлари, мангу музликлари, катта жўшқин жилға, сой ва дарёлари, турнақўз бўлоқла-ри - бир сўз билан айтган-да, гўзал ва бетакрор таби-ати ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади.

Саёҳатим давомида Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғига қарашли Чим-ён дам олиш маскани, Бил-дирсой арчазорлари ва Чор-воқ сув омбори ҳудудида бўлиш насиб этди, - дейди словакиялик сайёҳ Жолт Лу-кач. - Бундай хўшманзара жойларни дунёнинг бошқа ерларида учратиб қийин.

Юртимизга, хусусан, вилоят-тимизга келиб-кетувчи хориж-лик сайёҳлар оқими йилдан-йилга қўнаймоқда. Шунини ҳис-собга олган ҳолда, бу ердаги мавжуд инфрақурилишни яна-да ривожлантириш, кўрсати-лаётган хизматлар турини кен-гайтириш ҳамда сифатини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 де-

кабрда қабул қилинган "Ўзе-бекистон Республикасининг ту-ризм соҳасини жадал ривож-лантиришни таъминлаш чо-ра-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айни кунда ушбу ҳўжжат ижроси доирасида вилояти-мизда туризмни ривожлан-тириш дастури ишлаб чиқи-лаётир. Дастур лойиҳасида экстримал ва тоғ туризми, экотуризм, агротуризм ва зиёрат туризмлари бўйича

икки юзга яқин лойиҳа ҳаёт-га татбиқ этилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, боғ ҳуду-дида Чотқол давлат биосфе-ра қўриқонаси, овчилик ҳамда Бурчмулла ва Оҳангарон ўрмон ҳўжаликлари, икки юзга яқин дам олиш ҳамда болалар соғ-ломлаштириш масканлари, қўлаб корхона ва ташкилотлар, аҳоли пунктлари, дала ҳовли-лари жойлашган.

Боғ ҳудудида қирқбўғин, наъматак, тоғ райҳони, қизил-дўлана, кийик ўти каби юз-лаб доривор гиёҳлар ўсади. Эндилликда улардан фарма-цевтика саноатида кенг фой-даланиш тавсия этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври-да дори-дармон ишлаб чи-қарувчи корхоналарга хом ашё етказиб бериш бўйича ўн иккита, 432 миллион сўмлик шартнома имзоланган.



ни ана шу сай-ҳаракатлар самараси, дейиш мумкин.

Боғимизда бир минг саккиз юзга яқин ўсимлик, ҳайвон ва парранданинг 230 тури учрайди, - дейди Угом-Чотқол давлат миллий таби-ат боғи бошқармаси бош директори ўринбосари Эр-ғаш Саримсоқов. - Шундан ўсимликларнинг 74 хили, жо-ниворларнинг 38 тури Ўзе-бекистон ва халқаро "Қизил китоб"ларида киритилган.

Маълумотларга қўра, ке-йинги пайтларда боғ ҳудуди-да кўнғир айик, силвосин, тоғ эчкилари ва тўнғизнинг сони қўпайган. Ҳозир бу ерда олтимиз бошдан зиёд қор қоплони, 200 бошга яқин кўнғир айик, бир қанча си-ловсин, элик ва бошқа ҳай-вонлар мавжуд.

Алоҳида тарихий ва эсте-тик аҳамиятга эга табиий объектларни сақлаб қолиш ва бойитиш бўйича мамлакатим-изда ягона ҳисобланган Угом-Чотқол давлат миллий та-биат боғи таркибиди Бурч-мулла ўрмон ҳўжалиги 354,6 минг гектарни эгаллаган. Ҳў-жаликнинг Сижжақ бўлимида юз нафардан зиёд ишчи-хиз-матчи меҳнат қилади.

Жамоамиз билан бу йил 125 гектар ерга 11 минг 600 тулп ёнғоқ ва бодом, ўн ге-ктарга наъматак эдик, - дей-ди ушбу бўлим катта нозир Собиржон Носирматов. - Ҳозирги кунда ишчилари-мизнинг бир қисми ана шу ишчиларни парвариш қи-лиш, қарағай қўчати етишти-риш учун махсус жой ташкил этиш билан банд.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

Партиялар ҳаётидан

АНЖУМАНЛАР МАВЗУСИ -
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон халқ де-мократик партияси ви-лоят кенгаши томонидан Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-хў-нар коллежиди ўтказил-ган тадбир "Инсон ман-фаати ҳамма нарсадан устун", деб номланди. Унда Олий Махлис Қо-нунчилик палатаси депу-татлари, ҚДП вилоят ке-нгаши ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашилардаги партия гуруҳи аъзолари, давлат идоралари раҳбарлари, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйи-ча Ҳаракатлар страте-гияси" ҳамда "Халқ би-лан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Дав-лат дастурида белгилан-ган вазифалардан келиб чиқиб, фикр ва мулоха-залар билдирилди.

Ангрен шаҳар "Ниш-бош" маҳалласида "Мил-

лий тикланиш" демокра-тик партияси вилоят ке-нгаши ҳамда "Соғлом ав-лод учун" ҳукуматга қа-рашли бўлмаган халқаро хайрия фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида "Кексалар эъзозимизда" шiori остида табиий кўрик ва маънавий-маъ-рифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги нурунийлар табиий кў-риқдан ўтказилиб, қў-йилган ташхислар юза-сидан табиий муассаса-ларга йўлланма ҳамда дори-дармон ва санита-рия-гигиена воситалари тарқатилди.

Шунингдек, партия-нинг вилоят кенгаши то-монидан Чирчиқ ижти-моий-иқтисодиёт касб-хўнара коллежиди "Ҳара-катлар стратегияси - фаолиятимиз дастури" лойиҳаси доирасида давлат ва жамият қури-лиш тизимини тақомил-лаштиришнинг устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш мақсади-да давр суҳбати уюш-тирилди.

Фахр

Тошкент шаҳри мезбонлик қилган бокс бўйича XXIX Осиё чемпионати Ўзбекистон терма жамоасининг му-лақ галабаси билан якунланди. Халқа-ро хаваскор боксчилар уюшмаси - AIBA шафелигида Осиё бокс конфе-дерацияси ва Ўзбекистон бокс феде-рацияси ҳамкорлигида ташкил этил-ган мусобақада кўпгаимизнинг ўттизга яқин мамлакатдан 175 нафардан зиёд энг кучли чарм қўлқоп усталари сов-ринли ўринлар ва шу йилнинг 25 ав-густ - 3 сентябрь кунлари Германия-да бўладиган Жаҳон чемпионати йўл-ланмалари учун куч синашди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕК
БОКСЧИЛАРИ ГАЛАБАСИ
БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбек бокс мактаби мустаҳкам аънаналарга эга ва дунёда энг куч-лилардан ҳисобланади, - дейди Осиё чемпионатида ташриф буюрган AIBA президенти Чинг-Куо Ву. - Рио-де-Жанейрода ўтган Олимпия ўйинлари-да ўзбекистонлик бокс усталари кўрсатган юксак натижаларни спорт жамоатчилиги алоҳида эътироф этди. Тошкент шаҳри мезбонлик қил-ган Осиё чемпионати юқори савия-да ташкил этилганига гувоҳ бўлдим.

Осиё чемпионатида юртимиз ша-рафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан тўққиз нафари - Жасурбек Латипов, Мурод-жон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Бектемир Мели-қўзиев, Ҳасанбой Дўсмавов, Иқбол-жон Холдиров, Шахрам Гиеёсов ва Баҳодир Жалолов барча раҳиблари-ни мағлубиятга учратди ва Осиё че-мпioni, деган шарафли номга сазо-вор бўлди. Терма жамоамизнинг ёш аъзоси - Санжарбек Турсунов гарчи шоҳсўпага қўтарилмаган бўлса-да, Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ўтказилган жангда эронлик Салар Фуломийни мағлубиятга учратди.

Шу тариқа, Ўзбекистон терма жа-моаси Германияда бўладиган Жаҳон чемпионатида тўлиқ таркиб - ўн на-фар боксчи билан иштирок этади-ган бўлди.

Осиё чемпионатида муваффақи-ят қозониб, муҳлисларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлганидан ва устозла-римиз ишончини оқлай олганимиздан беҳад хурсандмиз, - дейди Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежи тарбияланувчиси, Олимпия ўйинлари совриндори Муроджон Аҳмадалиев. - Рио Олимпиадасидаги галабалар асосли эканини китъа чемпионатида яна бир қарра исботлай олдик. Ол-димизда йилнинг энг нуфузли мусо-бақаси - Жаҳон чемпионати бор. Дунёнинг энг кучли чарм қўлқоп уста-лари куч синашадиган нуфузли спорт анжуманида ҳам ўзбек боксчилари ўз сўзини айта олишига ишонамиз.

Чемпионатда тўққизта олтин медал-га сазовор бўлган Ўзбекистон бокс-чилари умумжамоа ҳисобида бирин-чи ўринни эгаллашди. Олимпия че-мпioni, Вэл Баркер кубоғи соҳиби Ҳасанбой Дўсмавов Осиё чемпионати-нинг энг яхши боксчиси, деб эътироф этилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«МЕННАТ АГРОТЕХ» МЧЖга

тегишли Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бошқизилсой ҚФЙ, Шампан ва Новдак қиш-лоқлари ҳудудида жойлашган 80 Га ер майдонидаги узумзор боғлар ҳамда 4 та дала шийпони-ни олди-сотди шартномасига асосан сотишини маълум қилади.

Муурожаат учун манзил:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ, Муста-қиллик кўчаси, 31-уйда жойлашган "МЕННАТ АГРОТЕХ" МЧЖ.

Телефон (099893) 382-49-44,
рақамлари: (099893) 399-99-60,
(099893) 501-25-07.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-
босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион
савдосига тақлиф этади!

2017 йил 14 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулк тақроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Бекобод ту-мани СИБ томонидан Тошкент ви-лояти, Бекобод тумани СИБнинг № 24430-сонли ижро ҳўжжати-га асосан хатланган, Тошкент вило-яти, Бекобод тумани, "Далварзин" ф/у манзилида жойлашган, қури-лиш майдони 247,05 кв.м. бўлган АЁҚШ биноси савдога қўйилмоқ-да. Бошланғич баҳоси - 93 924 170 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент ша-ҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги қўчмас мулк билан те-гишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокчида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ари-залар хар кунини (дам олиш ва бай-рам кунларидан ташқари) соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қили-нади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 12 июнь кунини соат 16.00 гача.

Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизи-дан кам бўлмаган миқдордаги за-калат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санаси-ни кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо таш-килотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг АИТВ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қу-йдаги ҳисоб рақамига тўлашлар-ни шарт: 20208000604936050001, МФО 01101, ИНН 207125885. Аук-цион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайни-да тўлалигича тўлаш шарт. Ман-зил: Тошкент шаҳри, Миробод ту-мани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz Лицензия: RR-0052.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 22.04.2017 йилдаги № 33 (12981) сониди чоп этилган "2017 йил 24 май кунини бўлиб ўтадиган аукцион савдо-сига қўйилган, бошланғич баҳоси - 1 246 386 000 сўм бўлган, Зангиота тумани СИБ томонидан ФИБ Зангиота туманлараро Ҳўжалик судининг 14.05.2015 йилдаги № 1-162/15-сонли ижро варақаси ва № 29118-27/3-сонли ижро ҳўжжати асосан хатланган, Зангиота тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ, Бобур кўчаси, 48-уйда сақланаётган, "Темир" қурил-малари ва иситиш тизими ҳамда "Иссиқ-хона" конструкциялари савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБнинг 04.05.2017 йилдаги № 29118-27/3-сонли хатига асосан тўхтатилганлигини маълум қилади.

Янгиликлар, хабарлар,
таҳлилий-танқидий мақо-
лалар билан газетамиз-
нинг интернетдаги манзили
- www.thtp.uz
орқали ҳам таниши-
шингиз мумкин.

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

«Букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоеъ этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш – одамлиқнинг энг олий мезони ва бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР...

Чирчиқ шаҳри, "Шарқ" кўчаси, 94-уй. Бу хонадонда ҳарбий авиация вакили Наримон Абкелямов турмуш ўртоғи Луиза билан шодуман яшар, бахтли ҳаёт уларга кучок очган дамлар эди. Ана шундай кунларнинг бирида – ҳали дунё нималигини билмаган мурғаккина гўдаклар, турмуш қурганига беш йил бўлиб, оила қувончини эндигина татиб кўраётган нажувон аёл суягачини йўқотди. Кенг осмон тор, юмшоқ ер тошдек қаттиқ бўлди.

– 2000 йилнинг 30 июнь кунини оила қурганимизнинг беш йиллигини нишонладик, – дейди қаҳрамоннинг турмуш ўртоғи Луиза Абкелямова. – Жуда ажойиб ўтган эди ўша кун. Шундан кейин...

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудлари орқали юртимизга бостириб кирмоқчи бўлган паразит кучлар хавфини бартараф этишга Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган Ҳарбий ҳаво кучлари борт техниги, катта лейтенант Наримон Абкелямов ҳам жалб этилди. Босқинчилар билан бўлган жангда Наримон Абкелямов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

– У киши билан қисқа, бахтли яшадим. Ўтган умримга ачинмайман, фақат унинг йўқлиги... Болаларимиз ўзига ўхшаганини истарди. Кўп ўйинчоқлар олиб келиб, жуда эркалатарди.

У хоҳлагандай бўлди...


Дарҳақиқат, Наримон ҳамда Луизанинг икки ўғлони бугун ота изидан бораётди. Катта ўғил – Исхондер кичик бизнес бошқаруви бўйича менежер. Эл-юрт қорига ярайдиган, кўпнинг дуосини оладиган ин-

сон бўлиб етишти. Кичиги Айдер эса авиация коллежидан тахсил олмоқда.

Исхондер отаси ҳақида шундай дейди: – Мен ўшанда кичкина бола эдим. Отамни гира-шира эслайман. Уларни онам, бобом



Жасорат



Матонат

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба санаси – 9 май мустақиллик йилларида Хотира ва Қадрлаш кунига айлантирилгани замирида ўринли фалсафий мантқиқ бор. Жўн қилиб айтганда, ўтганлар хотирасини ёдга олиб, ҳурмат бажо келтириб турадиган одам тирикларни қадрлашни, меҳр-оқибат кўрсатишни ҳам ўрнига қўйди. Инсон зийнати бўлган бу хайрли иш оила, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар, қўйингки, бутун мамлакатда хайрли анъанага айлansa, бундай юртда тинчлик, фаровонлик барқарор ва бардавом бўлади.

Шу ўринда, ўзбек романчилиги тамал тошини қўйган буюк адабиётимиз Абдулла Қодирийнинг машҳур фикрини эслаш жоиз. "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар" деб ёзади "Ўткан кунлар" асариди. Хайрлилиги шундаки, киши яшаб ўтган умрини вақти-вақти билан қайта хотира-сидан ўтказиб, тўғри хулоса чиқариб, кейинги қадамларини шунга қараб босса, ҳаётнинг эгри-бугри, ўнқир-чўнқир сўқмоқларида камроқ қоқилади. Нафақат диний ва дунёвий илмлар ривожига, умуман, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аллома аждодларимиз ҳамда бугунги озод, обод ва фаровон ҳаётимизни таъминлашда жонбозлик кўрсатганларнинг ибратли ҳаёт йўли, балки Қодирий бобомиз айтганидек, "...тарихимизнинг энг қирлиқ, қора кунлари" ҳам унутиб бўлмайдиган сабоқдир. "Хотира – азиз ва муқаддас" дейишимизнинг боиси шу десак, муболага бўлмас.

Таъбир жоиз бўлса, Хотираларни аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келувчи

хайрли эстафета десак, Қадрлаш ҳам бугунги умргузаронликка янгича мазмун-моҳият, хуш кайфият бағишловчи яхши анъанадир. 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами муно-

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ



Соғинч

сабати билан давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари яшаётган хонадонларга бевосита ташриф буюриб, уларни сийлаб, кўнгилларини кўтармоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотира ва Қадрлаш кунига таъйинлар қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорида кўрсатилганидек, байрам тадбирлари ҳамма ерда "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик", шунингдек, "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият" шioriлари остида тантанали тарзда ўтказилаётди. Шу муносабат билан мен ҳам қўлимга илк бор алифбони тутқазиб, ҳарф таъинган, кунт билан ўқиб, келажақда зиёли бўлишга руҳлангир-

Мухтасар айтганда, Хотира ва Қадрлаш кунини айнан бизнинг миллатимиз менталитетига хос ва мос байрамдир. Чунки, бу хайрли кунларда ўтганлар руҳи шод этилади, табаруққ ешдаги кексалар йўқлади, эъзозланади, эзгу тилак-истаклар билдирилади. Байрам баҳона ҳар йили одамларнинг бир-бирларига шу тариха меҳр-оқибат кўрсатиб, фақат яхшилик соғиниб яшашлари юрт равақи, эл фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Самад Йўлдош.

ва бузим, отамни яқиндан билган одамларнинг ҳикоялари орқали тасаввур қиламан. Улар меҳрибон ота, ғамхўр, мард инсон бўлганларини биламан. Ҳамиша ана шундай отанинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман...

Альбомдаги фотосуратлар қўлма-қўл бўлди. Марҳумнинг дўстлари, курсантлар ва коллеж ўқувчилари Наримоннинг онаси Альфия опанинг сўзларини тинглашди:

– Ўғлим билан келимин қисқа турмуш қилишди, бироқ шу вақт ичида бирор марта ёмон гап-сўз эшитмадим. Ўғлим камтарин, босиқ, оилапарвар эди. Ҳозир набираларим ардоғидаман. Ўғлимнинг оиласига эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганлардан миннатдорман. Ўғлим билан фахрланаман ва дилимдан шу сатрлар ўтади:

Она Ватанига бўлиб

вафодор

Юртга хизмат қилсин

фарзандларимиз.

– Мен Наримон акани курсант-лигимда таниганман, – дейди капитан Нодирбек Ҳамдамов. – Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўқиб юрганам-

Рақамларда акс этган тарих

● Ўзбекистон Республикаси Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳар томонлама салмоқли ҳисса қўшди. Манбаларда қайд этилишича, уруш арафасида Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллионга яқин бўлса, 1,5 миллиондан ортиғи жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингдан зиёд юрtdошимиз ҳалок бўлган ва бедарак кетган.

● 1941-1945 йиллар давомида фронтга 2 минг 100 та самолёт, 2 минг 138 мингта авиабомба, 17

минг 100 та миномёт, 22 миллион мина ва 560 минг снаряд, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий-санитария поезди, кўплаб қурол ва ҳарбий анжонлар етказиб берилди.

● Қўчириб келтирилган ҳарбий қорхоналар ишга туширилган, шаҳар-ликлардан ташқари, қарийб 500 минг колхозчи ҳам ишлаб чиқаришга жалб қилинди. 1940 йилда саноат ишчилари орасида хотин-қизлар

салмоғи 34 фоиз бўлса, 1942 йилга келиб 63,5 фоизга етди.

● Қишлоқ ҳўжалигидаги оғир меҳнат фақат хотин-қизлар, болалар ва кексалар зиммасига тушганига қарамай, ўзбек деҳқонлари 4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 миллион пуд галла, 195 минг тонна шoli, 57 минг 444 тонна хўл, 36 минг тонна қуригилган мева, 159 минг 300 тонна гўшт тайёрлаб бердилар.

Тошкент Давлат юридик университети доценти Ҳаким АЗИМОВ тайёрлади.

Мухтарам Президентимиз бошчилигида бугун ҳар бир уруш қатнашчиси, фахрийлари, умуман барча кексаларимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси, "ZOOM проект" журнали ва "Фаввора" фильм киностудияси ҳамкорлигида ўтказилган "Инсон азиз, хотира муқаддас" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир айнан уруш қатнашчиларини хотирлаш, дориламон кунларини кўриш насиб этган фахрийларимизни эъзозлаш мақсадида ташкил этилди.

Ҳақиқатан ҳам, тадбирга ташриф буюрган уруш қатнашчилари, фахрийлар, нуруний отахон уноҳонлар чехрасида шукроналик, қувонч ифодалари. Даврада кўр тўкиб ўтирган пискентлик 94 ёшли уруш қатнашчиси Абдукарим ота Раҳмоновнинг хотиралари машҳум уруш асoratларини яна бир бор ёдга солиб, бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаёт, озод Ватан қадрини янада юксакларга кўтарди.

– Болаларим, уруш даҳшатини биз кўрдик, сизлар асло кўрманг, – дейди ота хўрсиниб. – Уруш балоси ҳали ҳамон кўпларнинг ҳаётига соя

солиб туради. Биз амак-им Маҳмуд Раҳмонов билан урушга тенг кетганмиз. Аммо у қайтмади, яқин-қўнғича бедарак кетганлар қаторида эди...

– Отам урушга кетаёт-

– Машҳум уруш қанчадан-қанча ватандошларимиз ёстигини қуритганмиз дейсиз, – дейди халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси раиси Зарифа Эшмирзаева.

ИНСОН – АЗИЗ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

Миллий-маънавий қадриятларимизни яна бир намоиши сифатидаги Хотира ва Қадрлаш кунини бошқа мамлакатларда ҳам эътироф этилаётгани халқимизнинг ўзгалар ибрат олса арзийдиган фазилатлари бисёр эканини кўрсатади. Мустақил диёримизда бу байрамни муносиб нишонлаш ҳар бир ташкилот, қорхона жамоаси, ҳар бир ватандошимизнинг шарафли бурчига айланган.

ганларида мен ҳали туғилмаган эканман, – дейди Омон Маматов. – Ўшанда онамга: "Хафа бўлма, мен албатта қайтаман, ўғлимизнинг исмини Омон қўйган", дея тайинлаган эканлар... Отам бедарак йўқолган эди, шундан кейин ўтган йиллар армони онамни адоий тамом қилди. Отам ҳатто менинг борлигимни билмаганлар... Лекин, яхши одамлар кўп ҳаётда. Улар туфайли, орадан 40 йиллар ўтиб, отамнинг қабрини топдик. Улар Украинанинг Чернигов вилоятини ҳимоя қилишда мардларча ҳалок бўлган эканлар...

– Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонлик жангчиларнинг жуда кўпчилиги Ватанига қайтиб келолмади. Уларни аниқлаш, қабрларини излаб топиш ишларини олиб бориш мақсадида ташкил этилган "Прометей" экспедицияси фаолияти давомида кўплаб ватандошларимизнинг мангу қўним топан манзиллари аниқланди, ҳоки ўз Ватанига қайтарилди.

Бу борада пискентлик уруш фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Самадовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш

Қишлоқда тонг отди. У ер-бу ерда кузги мезондек сузиб юрган хира булуғларни айтмаганда, осмоннинг юзи тиник. Бугун ҳам доимгидек барвақт уйғонган Мўминхўжа бува ҳар кунги одатини қилиб, боғ айланди. Этақдаги Окисойнинг шовуллашию қушларнинг чуғур-чуғури тинмайди.

ЎТГАН КУНЛАР САБОҒИ

Қария кесилган дарак тўнкасига ўтириб, ҳаёлга чўмди. Бу сафар хотиралар уни узоқ болалиги томон етаклаб кетди, уруш йиллари ва ундан кейинги оғир кунлар кўз олдида гавдаланди.

Отаси Нўжамонхўжа Оқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида ташкил этилган "Меҳнат бирлик" колхозда ҳисобчи эди. Турмуш ўртоғи Улуғой билан тўрт ўғил, уч қиз камолини ўйлаб, далада куну тун меҳнат қилишарди. Аммо, 1941 йил 22 июнь тонгида уруш бошлангани ҳақидаги шумхабар ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юборди. Қўлида қурол ушлаб оладиган борки, бирин-кетин фронтга отланди. Улуғой ая бир йўла турмуш ўртоғи ва ўғиллари Умархўжа, Салоҳиддинхўжа, Расулхўжаларни урушга қўзғатди. Мўминхўжа ёши етмагани сабабли онаси бағрида қолди.

Уша машҳум йилларда қишлоқда асосан кексалар, аёллар ва ёш болалар қолганди. Улар дала-ларда кунни тунга улашарди. Мўминхўжа ҳам опалари Ёкутой, Тожи-хон, Майрам ҳамда ҳам-қишлоқ дўстлари Умар Қурбонов, Маҳмуд Нишонов, Маҳмуд Бердиев билан чигитни ерга қаддашдан бошлаб, пахтани йиғиштириб олгунча тиним билмай ишларди.

Хуллас, уруш йиллари фронт орти ҳам жангоҳдан қолишмасди. Уша пайтларда Кўзбоби, Раҳима, Қундузой, Файзинисо, Шаҳодат, Чинни-

хон, Ўғилой, Мукофотхон, Мунисхон, Баҳринисо сингари кавардонлик ёшлар фронт ортининг ҳақиқий қаҳрамонларига айланганларини кўпчилиги ҳамон яхши эслайди.

Мўминхўжанинг отаси урушдан соғом қайтди, уч ўғлининг қисматини эшитиб, аламини ичига ютди. Ота-онага бундай мусибатни кўтариш осон бўлмади, аммо қолган фарзандлари учун яшашда давом этиб, бор аламларини меҳнатдан олинди.

Урушдан сўнг Мўминхўжа ҳайдовчилик курсида ўқиди. Туман марказий шифохонасида салкам 50 йил ҳайдовчилик қилди. Умр йўлдоши Шафбат ая билан саккиз ўғил ва уч қизни вояга етказди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси уйли-жойли, бола-чақали.

Бугун Мўминхўжа бува ва Шафбат ая ўн бир фарзанд, олтмиш беш невага ва ўн нафар чеваралари ардоғида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

– Уруш йиллари машаққатини фронт орти меҳнат фахрийлари яхши биллашди, – дейди Мўминхўжа бува. – Кўп оилаларнинг рўзғори но-чор эди. Ўзимизнинг ҳам қирга чиқиб, бошоқ те-риб, қаноп уруғи ва кун-жарани қайнатиб ичган қуларимизни кўп бўлган. Бу азовларни биз кўрдик, энди ҳеч ким кўрмасин. Юртимиздаги тинчлик ва тўқин-сочин-ликка кўз тегмасин. Энг азиз неъмат – мустақил-лигимиз абадий бўлсин!

Латифжон МАНСУРОВ, Юқори Чирчиқ тумани.



Қадрият

цияси билан биргаликда эса вилоятимизнинг 100 дан ортиқ оилалари Россиянинг кўпгина вилоят, шаҳарларига бориб, ўз жигарлари қабрини зиёрат қилишди, ҳокими Ва-танига олиб келишди... Шукрки, машҳум кунлар омон ҳезиб келган фахрийларимизнинг ҳикоялари сизу бизга бир эр-такдек туюлса-да, бу ҳаёт сабоқлари ҳақиқатларидан тўғри хулоса чиқаришга ундайди: шу кунларимизга кўз тегмасин!

– Урушнинг оти ўчсин,

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маълумоти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96

233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатта олинган.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
Т. МАХМУДУЖАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Беход ҚОБУЛОВ
Набатчи муҳаррир
Холмурод САЛИМОВ

Назоратчи муассаси
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА